

Ёшларимиз меҳнатсевар бўлсин

1962 йилнинг 19 майда В. И. Ленин номи Бутуниттӣфок пионер ташкилоти 40 ёшга тўғали. Бу байрамга «Улуғ Ленин васият қилганидек, Коммунистик партиямиз айтганидек яшайлик, ўқийлик ва курашайлик!» деган шир остида тайёргарлик қилинмоқда. Областиимизнинг барча пионер аъзолари, отрядлари, дружиналарида В. И. Ленин ҳаёти ва фаолияти зўр ҳавас билан ўрганилмоқда. Ёш ленинчилар Коммунистик партия ва совет халқининг қаҳрамонига тарихи билан танишмоқдалар.

Қирғ йилликни муносиб нишонлаш учун «Пионерлар Ватанга» деган шир остида областда пионерлар икки йиллик ўтказишга қарор қилинди. Бу қарорга мувофиқ, ҳар қайси дружинада доимий ишлаб турадиган пионер лекторийлари, рақс ёки хор ансамбллари, сурат галерейлари, игротейкалар ташкил қилина бошланди. Мактаб ўқувчиларини меҳнатсеварлик руҳида тарбиялаш учун олиб бериладиган ана шундай ишларни янада яхшилаш ва бу билан байрамни муносиб кутиб олиш мақсадида пионер ташкилоти шаҳар ва район Советларининг мусобақаси аълон қилинди. Мусобақада биринчи ўринни олган район ёки шаҳарга пионерлар ташкилоти област Советининг кўма қизил байроғи топширилади.

Саноат корхоналари, қолхозлар, совхозлардаги комсомол ташкилотларининг ўзлари оталикка қилина пионер ташкилотлари ишларини яхши уюштириши юзасидан мусобақа аълон қилинди. Ана шу мусобақа билан кейинги вақтларда пионер ташкилотларида, пионерларнинг ишларида уларга ёрдам берадиган дўстлари пайдо бўлди. Ўқувчи отрядларида ишлаб чиқаришда ишловчилар вожатийлик қилимоқдалар. Масалан, Янгйер шаҳрадаги 4-мактаб-интернатнинг 6-синфига комсомол аъзоси В. Пересинкин бошчилик қилмоқда. Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Тўпқо аса Янгйўлдаги 7-мактаб ҳузурида ташкил этилган ўқувчилар бригадасига келиб, уларга маслаҳатлар бериб туради.

Мана шундай ташаббусларни областимизнинг ҳамма мактабларида ёйишимиз лозим. Шундай қилайлик, ҳар қайси дружинада ҳам пионерларга ёрдам бера оладиган «Дўстлар кенгаши» бўлсин.

Ота-оналаримиз «Пионер босқичлари»да бериладиган топшириқларни бажаришда болаларга яқиндан ёрдам беришлари керак. Улар болалар муассасалари, пионерлар саройлари, ёш техниклар, табиётшунослар станцияларида ҳамма болалар муассасаларига тез-тез келиб туришлари лозим. Бундай муассасалар болаларимизнинг касб таллаши, меҳнатсевар бўлиб ўсишида уларга ёрдам беради. Ўз фарзандининг ёмон тарбияланганини ҳеч ким хоҳламайди, албатта. Болалар текникхўр, дангаса бўлиб етишмасликлари учун уларда меҳнатга муҳаббат ўйғотиш лозим. Ана шу мақсадда област мактабларида 359 ишлаб чиқариш бригадалари тўғрили. Улардан 135 таси пахтачилик, 35 таси пиллачилик, 78 таси махкажхўрчилик бригадаларидир. Булар орасида 10-синф ўқувчиси Қарим Омонов бригадирлик қилаётган Янгйўл районидagi Ленин номи 7-мактабнинг бригадаси Свердлов номи қолхозининг

11 гектар ерига баҳорда пахта эккан эди. Қолхоз аъзолари чигит экишдан тўғиб, ҳосилини Янгйўл олишгача бўлган даврда бригаданинг 30 ёш пахтакорига яқиндан ёрдам бердилар. Оржоникидзе районидagi 18-мактабнинг Жонидил Жуманбоев раҳбарлик қилаётган махкажхўрчилик бригадаси 7 гектар ерининг ҳар гектаридан 1066 центнердан кўпроқ етиштирди. Оққўрғон районидagi 17, 30, 3-мактаблар, Юқори Чирчиқ районидagi 18-, 3-мактабларда ташкил қилинган ўқувчилар бригадалари ҳам ана шундай бригадалар жумласига киради.

Шуни ҳам айтиш керакки, бу соҳада ҳали анчагина камчиликлар бор. Баъзи мактабларнинг директорлари ўқувчилар бригадаларини кўп ерда ишлашга овоза қилиб қўймоқдалар. Масалан, Оққўрғон районидagi Фрунзе номи мактаб ўқувчилар бригадаси 60 гектар ерга ага, буни нормал ҳол деб бўлмайди. Бунинг устига айрим қолхоз ва совхозларнинг раҳбарлари бригадаларга техника ёрдами кўрсатмастлар. Ўқувчилар бригадасидagi ишларни Ўзбекистон ССР Министрлар Совети томонидан тасдиқланган «Ўқувчилар ишлаб чиқариш бригадалари тўғрисида Низом»га мувофиқ ташкил қилиш лозим.

Мактабларда ўқилларини бир сменага ўтказиш учун мактабларнинг хоналарини, устакхоналарини кенгайтиришга тўғри келди. Бу ҳам ўқувчиларимизнинг меҳнатсевар бўлиб ўсаётганини кўрсатувчи синонга айланиб кетди. Мактабларда 92 курилиш бригадалари тўғрили. Бу бригадаларнинг аъзолари — ўқувчилар 346 синф хоналари, 63 устакхона, 62 уй-жой хонаси, 15 кўенхона қуриб бердилар. Деярли ҳамма мактабларда спорт майдончалари ташкил этилди. Облаstdagi 338 мактаб ўзига-ўзи хизмат қилишга ўтди.

Болаларимизни меҳнатсевар қилиб тарбиялашда ишлаб чиқариш илгөрлари, коммунистик меҳнат бригадалари пионер отрядлари, дружиналарига оталик қилсалар яхши бўлар эди. Бу соҳада областимизда дастлабки ишлар қилинди. Ўзбекистон металлургия заводининг Саид Нуриддинов бошчилик қилаётган коммунистик меҳнат бригадаси Н. К. Крусская номи мактабнинг 7-а синфини оталикка олди. Крусская номи мактаб комсомол ташкилоти билан Ўзбекистон металлургия заводи комсомол ташкилотининг биргаликдagi ишлари ўзининг дастлабки самараларини берди. Ўқувчилар заводи тез-тез келиб турадиган бўлиб қолдилар. Уларнинг қўшлари 10-синфини тамомагаҳ, шу ерда ишлаб бошладилар.

Бундай мисолларни жуда кўплаб келтириш мумкин. Буларнинг ҳаммаси ёш аълодининг меҳнатни севуви, ҳалқимиз яратётган номи-неъматлари қадриловчи, ватандашларимиз қийинчиликларини енгувчи кишилар бўлиб етишишга ёрдам қилади.

Область комсомол комитети ана шундай ишларни келгусида ҳам давом эттиради. Аммо бу муҳим ишда катта етакчи қўл бўлган ота-оналаримиз ва жамоатчилиكنинг ёрдами зарурдир.

А. ТУРАЕВА,

Область комсомол комитетининг секретари.

С. ОДИЛОВА,
пенсияер.

Тошкентдаги 54-ўрта мактаб ҳузурида ташкил этилган ота-оналар комитетининг иши намунали йўлга қўйилган. Комитет ўқувчилар давоматини яхшилаш ва уларни коммунистик ахлоқ руҳида тарбиялашда ўқитувчилар коллективига яқиндан ёрдам кўрсатмоқда. Суратда: комитет аъзолари бола тарбияси ҳақида суҳбатлашмоқдалар.

Бола тақлидчи бўлади

Қўшнимнинг эри анча ноёпроқ. Қунига ичиб келгани-келган. Унга келгач, тўе-тўпалон кўтаради. Булар-бўлмаста гудай хотинини бемаза галлар билан ҳақоратлайди.

Қай куни ўша қўшнимизникига бир иш билан чиқиб қолган эдим. Эри келиб қолди. Боядан бери ўзи билан ўзи овоза бўлиб ўтирган унинг ўғли Эркин отасини кўриши билан унга отида. Бўйидадан қучоқлаб ёрқаланди.

Отасининг «тантили»ги келиб ўғилчасига, «қани, онанинг бир болаб сўккин-чи?» — деган эди, бола «булбулгўе» бўлиб кетди. Таажжубда қолдим. Товба, муштумдай бола бўлатуриб сўккинчи қаёқдан ўрганибди! Тўғриси, ёқа ушлаб ҳайрон бўлиб қолдим. Бола онасини сўзгани сари отаси керилиб кулар, болани баттарроқ талтайтиради. Шунда мен қўшнимнинг ўзи оғзидан қўймай тақорлайверадиган бемаза галларини енди ўғли айтаётганини кўриб афсусландим.

Бола тақлид қилишни ёқтиради. Оиладagi катталар нима иш қилса, қай йўсиди сўзлашса, бола ҳам ўшанга эргашиб, уни тақорлашга ҳаракат қилади.

Шунинг учун ҳам боланинг ёш-лигини одоби, ширин сўз бўлиб ўсишда ота-она ўрнат бўлмоғи лозим.



БУ—ҲОЙДАДАН ҲОЛИ ЭМАС

5-синф ўқувчиси Нишонбой Тўланбойнинг ёмон «қилиқ»лари ҳақида синф раҳбари Юқор Тўғрўнбоева шикоят қилиболошди. Бир қарашда Нишонбойга ёмон ўқувчи деб баҳо бериш анча қийин. Негак, у рус тили, арифметика, тарих, она тили дарсларини бошқа ўқувчиларга қараганда дуруст ўзлаштиради. Ўқитувчилар хонасида худди шу ҳақда гал бораётган эди, эшикдан ўқувчи Ванисбек кириб қолди. Унинг усти-боши лой:

— Мени Нишонбой бекордан-бекорга чалиб йиқитди, — йиғламсираб тапирди бола. Охириги дарс тугагач, синф мажлиси бўлди. Мажлисда Нишонбойнинг қаттиқ уялтириши. Аммо бу болага таъсир қилмади. У йиғилганидан сўнг мактабга келмай қўяқолди.

Синф раҳбари хабар олгани унинг ўйига борди. Ў-

шонбойнинг отаси Тўланбой ота Иброҳимов ёши 60 лардан ошиб қолган, оппоқ соқолли нуруний чол экан. Нишонбой оиланинг кенжа ва эркакот фарзанди экан. Унинг айтагани-айтган, дегани-деган. Бола бундан ҳийла мағрурланиб, ўз тенгларини менсимайдиган даражага бориб етган. Синф раҳбари ота билан узок суҳбатлашди. Маълум бўлишча, уйдагилар Нишонбойнинг бир неча кундан бери мактабга бормайтганидан ҳам беҳабар эканлар.

— Ҳар куни сумақсини олиб чиқиб кетарди. Тўшда қайтиб келарди. Боласи тушмағур бизларни қари деб лақиллатар эканда. — афсус оҳанда тапирди ота: У ўз айбига иқдор эди. «Ортиқча эркакотиб юборганимизда» улардиган ота. Эргаси куни у фарзандини мактабга ўзи етаклаб келди ва:

— Бундан кейин сенинг ҳақингда фақат ахши гал эшитай. Ўғлим, — деди ота. Ҳозир Нишонбой синфда интизомли ва ахши ўқийдиган болалардан бири бўлиб қолди.

Шу синф ўқувчиси Нурқобул ювсоф, қобилинга бўноқ. Аммо дарсларга жуда нўноқ. У мактабга қарчиган ҳолда келди. Уй вазибаларини қамдан-кам бажаради. Ўқитувчилар коллективи боланинг уй

шароити билан танишишни лозим топди.

Ўқитувчи Тўғрўнбоев Норқобулнинг уйига келганида бола уйда йўқ эди. Ўқитувчи боланинг отаси Очил акадан:

— Норқобул қаерда дарс тайёрлайди? — деб сўради те-варанка қараб.

— Мана шу ерда, танчада тайёрлайверди-да, — бепарво жавоб қилди Очил ака.

Бундан ташқари, Норқобулнинг дарс тайёрлаши учун вақти ҳам йўқ экан. У мактабдан келгач, қўй боқгани чиқиб кетар, кечқурун қайтган, яна бутун уй иши билан банд бўлиб, тўшда чарчаб ухлаб қолар экан. Синф раҳбари боланинг уй ишига қарашини яхшилагани, аммо дарс тайёрлаши учун ҳам маълум вақт ва жой ажратиб бериш зарурлигини ота-онига тушунтирди. Боланинг баҳолари патт аҳолигини айтиб, унинг сабаб-чиси уйдаги шароитданлигини аналди.

Бундай ҳодисалар кўп учраб туради. Ҳурматли ота-оналар мактаб ўқитувчилари билан тез-тез узрашиб турсалар, фарзандларининг ўқилиш, юриш-туриши ҳақида қизиқсалар бу фойдадан ҳоли эмас.

З. ҚУРТНЕЗІРОВ,
Чиноз районидagi 16-мактаб ўқитувчиси.

Болалар гигиенаси

Боланинг саломатлиги кўп жиҳатдан гигиена қоидаларининг аниқ бажарилишига боғлиқ. Мактабда ўқувчилар малакали ўқитувчи ва врачлар томонидан тарбияланади. Уйда эса бу ота-оналарнинг вазифаси ҳисобланади.

Бола мактабдан келгандан сўнг очиқ ва тоза ҳавода бироз дам олгач, кейин дарс тайёрлашга ўтириш керак. Борди-ю, бола мактабдан келасолиб дарс тайёрлашга ўтирс, унинг миёси чарчаб, дарсини ахши тайёрлай олмайди. Бола учун қунадалик тартиб (режим) тузиш ҳар бир ота ва она учун шартдир. Бу режимга қараб бола ўз вақтида дам олиши, овқatlanиши, дарс тайёрлаши ва ухлаши керак.

Ўқувчининг дарс тайёрлаши учун қулай шароит яратиб, алоҳида жой ажратиб бериш керак. У жой ёруғ, тоза ва тинч бўлиши керак. Уйга бериладиган топшириқларни ва бошқа ишларни бажариш процессида ҳар 40-45 минутдан сўнг бола 10 минут атрофда дам олиши лозим.

Боланинг соғлом ўсиши учун физкультура билан муттасил шуғулланишини аҳамитли катта. Ҳар куни эрталаб ўрнидан тургач, албатта физкультура қилишга одатланиш лозим. Ота-оналар болалар бунинг аҳамитини, фойдалигини тушунтириб боришлари ва, айниқса, нимажонроқ ўсаётган болаларни бунга мажбур этишлари керак. Булардан ташқари, экскурсияларга чиқиб, ёз кунлари офтобда юриш, чўмилиш, қиш кунла-

ри очиқ ҳавода сайр қилиш, ҳаракатли ўйинлар, спорт билан шуғулланиш бола организмни чиниқтиради. Шу билан бирга баданни ҳўл чойида артиш, тишин тоза тутишни ҳам унутмаслик керак.

Баданин чиниқтирувчи система табиатнинг, табиий факторлардан тўла фойдаланиш асосига қурилади. Ҳавонинг соғломлаштирувчи ва чиниқтирувчи ролига катта аҳамият бериш керак.

Очиқ ҳавода системали равишда узок вақт бўлиш болаларнинг саломатлигини яхшилайди. Соф ҳавода юрган болалар бардам, тийрак, гайратли бўлидилар, қаттиқ ухлайдилар. Очиқ ҳавода бўлиш узоклиги ҳар куни 3-4 соат орасида бўлиши керак. Об-ҳаво алмашуви ниамоллашмасдан ўтказишга одатланимоқ учун очиқ ҳавода узок вақт ўйнашдан ташқари, ҳар қандай об-ҳавода ҳам ўйнашлари керак.

Бундан ташқари, боланинг кийимлари ўзига мос бўлиши керак. Қиш пайтида бола кийимини топ тикиб бериш ярамайди, шунингдек қиш бошлангани биланоқ болани дардор иссиқ кийимларга ўрашини ҳам фойдаси йўқ. Боланинг совуққа чидамли бўлиши учун уни вақтга қараб кийинтириш фойдалидир.

Буларнинг ҳаммаси фарзандларимизнинг соғлом ўсиши, бақувват, чиниққан организмга эгаси бўлишлари учун асосий омиллардир.

Ф. КОМИЛОВ,
врач.

Ёшлиқдан ўрганган яхши

Бариси бир хил формада озода кийиниб, синф партасида ўтирган ўғил-қизларимизни кўриб кўзингиз кунабайди. Аммо улар орасида тугмаси узуқ, ёқалари кир, кийимлари гижимланиб кетган, тирноқлари ўсиб, қўлон-бўйинларига ҳафталаб совуғ, сув тегмаган айрим болаларни кўриб ранжиганаси киши.

Аслини олганда, бунинг учун болани айбаш нотўғирроқ бўлади. Бола ёшлиғида нимага одатланиса, шуни қилади.

Кенжаотим Шухрат бу йил бешинчи синфда ўқийпти. 7-синфдаги анасининг форма кийими унга мос нелиди. Форма ҳали анча янги. Чунки болаларим кийимини жуда яхши кийишми ҳам қизлардан аъло бажаришди. Форманинг ёқасига ичкаридан 3 та тугма қадалган. Унга оқ ёқа тикиб берганман. Ёқани болаларнинг ўзи ювади, дамоллашди. Шунга одатланишгани, кир ёқа билан мактабга боришмайди. Буларнинг ҳаммаси болаларга ёшлиғиданоқ ўргатилган.

Бундан ташқари болалар уйда

«БОЛАЛАРНИ УЛГАЙТИРИШ ВА ТАРБИЯЛАШ — БУ ЖУДА КАТТА, ЖИДДИЙ ВА НИҲОЯТДА МАСЪУЛИЯТЛИ ИШ, ШУНИНГ УЧУН ҲАМ БУ ЖУДА ҚИЙИН ИШ, АЛБАТТА. СИЗ КУЧ-ҚУВВАТИНГИЗНИ, БУТУН АҚЛ-ҲУШИНГИЗНИ, БУТУН ЭЪТИБОРИНГИЗНИ ВА ИРОДАНИНГИЗНИ КЎП ИЙЛАРДАВОМИДА УНГА БАҒИШЛАГАН БЎЛАСИЗ. СИЗ ЎЗ БОЛАЛАРИНГИЗНИНГ ФАҚАТ ОТАСИ ВА МУРАББИЙСИ БЎЛИБ ҚОЛМАСДАН, БАЛКИ ШУ БИЛАН БИРГА, ЎЗ ТУРМУШ-МАЙШАТИНГИЗНИНГ ҲАМ ТАШКИЛОТЧИСИ БЎЛИШИНГИЗ КЕРАК, ЧУНКИ СИЗНИНГ ГРАЖДАНЛИК ФАОЛИЯТИНГИЗДАН, СИЗНИНГ ШАХСИЙ КАИФИЯТИНГИЗДАН ТАШҚАРИ, ДА ТУРАДИГАН ТАРБИЯЧИНИНГ БЎЛИШИ ҲАМ МУМКИН ЭМАС».

А. С. МАКАРЕНКО.

ҳам тартибли бўлишга одатланишган. Дастёрларим ҳаммаси ўғил болалар. Ленин улар «қиз болалар иши»ни ҳам қизлардан аъло бажаришди.

Хуллас, оилани бахтиёр қилиш ҳам, оила нукусини сақлаш ҳам болани ёшлиғиданоқ меҳнатга ўргатишга боғлиқ экан.

М. САИДОВА,

қаҳрамон она.


Ўз йўлини топган қиз

— Тавба, осмонга учиб кетди-ми, ерга кириб кетдим? Наҳотки бир пасда йўқ бўлиб қолса-и, — деб Маша столнинг устларини қидирар, купча-қудузи қўзларига ишонмай, билатини қўллари билан пайпаслар. «Бошқа жойга қўйдим-ми?» деб ўз-ўзига саволлар беради. Охири умидини узиб, уйига ҳомуш, ҳаёли паршон ҳолда қайтади.

Қорни оч бўлишга қарамай,

овнат ҳам ўтмади. Қўл соатини қачон, қаерга, қандай ҳолатда қўйганини яна бир бошдай ўйлади. «...Ишчи туғатганда қўлимдан ечиб, стол устида қолдириб, умивальникка кириб кетдим-у, чиққанимча йўқ. Бу орада четдан биров киргани йўқ. Демак, ўзиникидан бошқа ҳеч ким олмайди».

Орадан бир неча кун ўтгач, Татьяна қўлида пайдо бўлган



Заводнинг хотин-қиз баскетбо кучлари бу йил бўлиб ўтган касба союзуларининг Бутуниттӣфок спортмайдонига қатнашиб, иккинчи ўринни олишга муваффақ бўлдилар. Суратда: ўйин пайти.

соатга Машанинг қўзи тушди-ю, юраги жиз этиб кетди. Мастер Валентина Чумакова ва цех коллективи аъзолари соатни устакхонага олиб бориб, номерини кўришса, Маша ремонт қилдирган соатнинг ўзи, Шундан кейингина Татьяна қилишга иқдор бўлди.

Бу воқеадан хабардор бўлган завод комсомол комитети комсомол мажлисида Татьяна масаласини кўришга қарор қилди. Иккинчида сўзга чиққанлар уни комсомол сафидан чиқаришни талаб қилдилар. Аммо Юрий Андрейков қаттиқ ҳайфсан бериб, синан шарт билан комсомол сафида қолдиришни сўраб, Татьянанинг ўзи коллектив олдида ваъда беришини талаб қилди.

— Мен аҳмоқлик қилдим. Қоллектив олдида шарманда бўлдим. Ўзингиза бўлган ишончини йўқотдим. Эндигидея иш билан ўзини оқлайман! Бу виждон сўзим — де-ди-ю, ўрнига ўтириб хўнграб юбордим. Татьянага завод комсомол комитетининг секретари Всеволод Дюжинков:

— Тўғри бўлсанг, ўсиб бориб гул бўласан, эгри бўлсанг, бир кўл бориб кул бўласан, деган мақол бор. — деб салмоқ билан гал бошлади. — Сен бу соатни ҳалол меҳнатинг орияли ҳам бе-малол олишинг мумкин эди. Мана қулоқ сол. Коммунистик меҳнат бригадаси номини олиш учун курашаётган Гусев бошчилигидаги комсомол-Ёшлар бригадаси



Корхона клубида ташкил этилган футбол ва мазмуни ўтади. Музика ва рақс тўғрисида ҳам кўпгина ишчи йигит-қиз ахши қатнашаптир. Суратда: тўғрак раҳбари (чапдан) Г. Галетко ҳаваскорларга янги рақс ўргатмоқда.

«ТОШКЕНТ
ҲАҚИҚАТИ»
2-БЕТ, 11 ДЕКАБРЬ, 1960 ЙИЛ.



«Синфимизни доим озода тутамиз». Бу Тошкентдаги 42-мактабнинг 6-синф ўқувчиларининг ширини. Улар ҳар куни машғулотдан кейин қўлиб синф хоналарини тозалайдилар, доска ва парталарни артадилар. Суратда: навбатчи ўқувчилар иш устида.

В. Салов ва М. Нуриддинов фотолари.

З. ОРИПОВ.

ҲАММА ЕНГ ШИМАРИБ, ЭТАК ТУТИБ ТЕРИМГА ЧИҚСИН!

Ҳозир бир ғайратга ўн ғайрат қўшиб, эўр ташаббус ва жасорат кўрсатиб, қийинчиликларни сабот-матонат билан енгиб мардонавор ишлайдиган, йигим-теримни якунлайдиган пайт келди. Бундай мураккаб шароитда йигим-теримни муваффақиятли тугаллашдек умумхалқ ишидан бирон киши четда қолмаслиги, пахтанинг ҳар бир чигитини, ҳар бир қўсакини териб олишда актив иштирок этиши, ўзининг интернационал, ватанпарварлик бурчини муқаддас билиб, виждон билан бажариши керак. Ҳозир бундан кўра муҳимроқ, фахрлироқ ва масъулиятлироқ вазифа йўқ!



ПАХТАКОРЛАРИМИЗ ТОРТИҒИ

Колхозимиз аъзолари КПСС Марказий Комитетининг Илонуи шарафига меҳнат ваҳтасида туриб ишлаб, плани бажардилар. Шу кунга қадар жонажон Ватан оғибига 854 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 29 центнердан ҳосил тўқидилар. Топширилган «оқ олтин»нинг 80 процентдан ортиқроқ қисми юқори сортлар билан қабул қилинди.

Бу йил колхозимизда иккита комплекс механизацияланган бригадалар ташкил этилган эди. Бу бригадаларнинг фидокор аъзолари механизациядан унумли фойдаланиб, мўл ҳосил етиштиришди. Бу соҳада коммунист Расул Исоқов бошлиқ бригаданинг қўлга киритган ютуқ дидикатта сазовордир. Бригада 75 гектар ерда чигит экти. Парварини механизмлар ёрдамида олиб боришди. Натигада ҳосил мўл бўлди ҳамда ерда етилди. Шундай қилиб, план колхоздагина эмас, ҳатто районда биринчи бўлиб бажарилиди. Ҳозиргача аса гектар бошига олинган пахта 34 центнердан ортиб кетди.

Оржоникидзе районидagi «Қизил Ўзбекистон» колхозининг аъзолари социалистик мажбурият ўрнатишда пахта тайёрлашнинг давом эттиришди. Суратда: колхозчи Тошмат Шерматов сушилишда қурилган пахтанинг пунктга жўнатишда ҳозирлик қилмоқда.

В. Сироткин ва И. Глазберсов фотоси.

Бригада бошлиғи, моҳир механик-ҳайдовчи Р. Исоқов терим масъулиятида ўз агрегатини усталик билан бошқарди. 150 тоннадан зиёдроқ «оқ олтин» териб берди.

Етиштирилган ҳосилни машиналар ёрдамида териб олишда турсун-ойчи комсомол қизларимиздан Нори-хон Нуриддинова, Хосият Усмонова-лар ҳам жонбозлик кўрсатиб ишлайдилар. Бу икки аъбир қиз масъумда 100 тоннадан ҳосил териб берди.

Колхозимизда бу йил ҳосилдорликни ошириш учун қаттиқ кураш олиб боришди. Коммунист ўртоқ Ч. Жўраев бошлиқ бригада пахтакорлари бу соҳада намунали ишлар қилдилар. Ёрни семиртиришда маҳаллий ўғитлардан фойдаланиш, қатор ораларининг юқори агротехника талаблари даражасида ишлангани туфайли 140 гектар ернинг ҳар гектаридан 37 центнердан ҳосил олинди. Шунингдек Сулаймон Бекматов, Сайдали Исоқовлар, ака-ука Тўра ва Ёрри Усмоновлар бошлиқ бригада аъзолари ҳам социалистик мажбуриятлари ҳисобига бир неча 10 тоннадан пахта топширишди.

Кейинги пайтларда об-ҳавонинг ўзгариши туфайли ҳосилнинг тақдирини ҳавф остида қолди. Ўзбекистон партия ва ҳукуматининг Мурожаатини муқоама қилиб чиққан коммунист ва комсомолларимиз 30 кишилик гвардиячилар бригадаси ташкил этилди. Ҳозир бу бригада аъзолари об-ҳаво нуқулдидиларига қарамай, қолган ҳосилни тейорқ йиғиштириб олиш учун курашайтирлар.

Колхозимиздаги урта сушилқадан унумли фойдаланганимиз. Ўларнинг ҳар бирида 23—24 соат олов ёниб, суткасида 20—22 тонна пахта, қўсақ қуришмоқда. Барча чигит агар-регатлари сушилқалар ёнига келтирилган. Бу, ишнинг унумли бўлишини таъминлайпти. Сушилқаларга таърибали пахтакорлар раҳбарлик қилапти.

Етиштирилган ҳосилни йиғиб-териб олишда шахарликлар пахтакорларимизга яқиндан ёрдам бердилар. Тошкент шахар. Куйбишев район меҳнатчилари. Тен кендаш 2-авторлар коллектив, колхозимиздаги Н. Крупская номи ўрта мактаб ўқувчиларида беҳад миннатдорчи. Ўларнинг ёрдами туфайли 733 тонна пахта, 400 тоннадан ортиқ кўрак териб олинди.

Биз қолган ҳосилни батамом йиғиштириб олишни келгуси йил мўл ҳосилга пухта эриш ҳозирлаш билан боғлаб олиб бормоқдамиз. Механизаторларимиз ҳозиргача 100 гектардан ортиқ ерни шўлорлаб қўйдилар.

Ж. ОЧИЛОВ,

Чиноз районидagi «Қизил Октябрь» колхозининг раис.

Пахта тайёрлашнинг бориши

(10 декабрдан бўлган маълумот, планга нисбатан процент ҳисобида)

Районлар ва совхозларнинг номи	бир кунда	маъсум бошдан	машина	терими	маъсум бошдан
Юниси Чирчиқ	—	121,24	113,34		
Куйи Чирчиқ	0,15	101,85	100,68		
Оржоникидзе	0,50	83,96	47,0		
Урта Чирчиқ	0,12	88,29	75,16		
Буна	0,13	85,35	93,56		
Пискент	0,29	85,28	88,06		
Чиноз	0,17	82,49	51,68		
Янгийул	0,22	79,89	89,61		
Оқингўр	0,20	77,80	67,10		
Сирдарё	0,30	77,58	67,42		
Гулистон	0,36	74,70	54,36		
Бекноб	0,37	72,97	72,92		
Янгийер шаҳри	0,29	69,22	72,12		

Област буйича: 0,26 80,48 71,78

СОВХОЗЛАР БУЙИЧА

«Гулистон»	0,33	105,19	68,44
«УзССР беш йилгичи»	0,18	98,72	101,69
«Буна»	0,28	92,35	100,31
«Малик»	0,20	89,00	83,20
«Социализм»	0,20	86,48	75,00
«Пискент»	0,30	86,01	93,60
1-«Далварчин»	0,49	75,95	79,93
«Оқингўр»	0,28	74,62	68,47
«Фарҳад»	0,60	74,25	73,60
«Мирзақул»	0,15	73,61	32,68
«Чаноқ»	0,34	72,30	62,33
Киров номи	0,09	71,75	43,06
1-«Бобут»	0,25	71,56	75,00
2-«Далварчин»	0,35	70,89	76,41
3-«Бобут»	0,21	66,21	85,54
2-«Бобут»	0,26	52,22	57,53
«Дружба»	0,14	44,67	8,29

С. СУЛТОНОВ,

Сирдарё райони.

БУГУН ХАЛҚ СУДЛАРИГА САЙЛОВ КУНИ

Ҳуқуқларимиз ҳимоячиси

Бизнинг совет судимиз — чинакам халқ суди. Уни халқ сайлайди ва ундан одил судловни амалга ошириши, жамиятимиз кишиларини меҳрибонлик билан тарбиялаш, жамоат тартибини бузувчиларни, безориларни, ўғри ва муттахамларни тийиб қўйишни талаб этади.

Бизда ҳамма ҳам халқнинг ишонига сазовор бўлавермайди. Оқангирон шахрининг қончилари, қурувчилари ва барча меҳнаткашлари 1952 йилдан бўён шахримизда судьялик вазифасида муваффақият билан ишлаб келаятган, социалистик қонунчиликни қаттиқ туриб ҳимоя қилаётган коммунист Антон Иванович Тупахнини яна шахар халқ судининг судьялигига кандидат қилиб кўрсатдилар. Ўртоқ Тупахнин таърибали юрист, одил судья, халқ ўртасида ҳалол ҳизмати билан катта иззат-обрў қозонган киши.

Мен шахтёрлик касбияда 13 йилдан бўён ишлайман. Шу туфайли ўртоқ Тупахниннинг фақат давлат ва халқ манфаатларини кўлаб, жиноятчиларни жазолани сифатидagina эмас, балки унинг совет кишиларини меҳрибонлик билан тарбияловчи, айрим йўлдан адашган кишиларни тўғри йўлга солувчи киши сифатида ҳам аҳли биламан.

Антон Иванович ўзининг судья-

лик фаолиятини жойларда кенг миқёда тарбиявий ишларни амалга ошириш билан бирга қўшиб олиб боради. У қончилар, қурувчилар, муассаса ва ташкилотларнинг кол-лективлари ўртасида совет қонунчилиги ҳақида, жамоат тартибини бузувчиларга қарши қандай кураш олиб бориш кераклиги ва уларни тарбиялаш йўллари каби темаларда тез-тез лекция ва доклады қилиб туради. Шахсан менинг ўзим ўртоқ Тупахниннинг лекция ва докладыни бир неча бор тинглаганим ҳамда ундан кўпгина нарсаларни ўрганиб олганман.

Ўртоқ Тупахнин шахримизнинг қорона, муассаса ва ташкилотларида ўртоқлик судлари ҳамда кўнгили халқ дружиналари ташкил қилиш йўлида кўпгина ишлар қилди. Унинг яқиндан бераётган ёрдами туфайли бизнинг 9-шахтада ташкил этилган ўртоқлик суди ва кўнгили халқ дружиначилари муваффақият билан ишломқдалар.

Мен ҳам кўпчилик қатори бугун сайлов участкасига бориб, халқимизнинг муносиб номзоди учун овоз бераман, ҳуқуқларимиз ҳимоячисини сайлайман.

Сами ПАРДАЕВ,
9-шахтанинг навалотбойчиси.

Ҳузур-халоватда яшамқдамиз

Ешим саксонга борди. Умримнинг қарийб яри жабр-зўм остида, ҳуқуқсизлик, инсофсизлик ва ноақил ҳуқуқрон бўлган даврда ўтди. Кеча-қундуз тинмай оғир меҳнат қилардик. Лекин қорнимиз тўйиб нон емасдик, устимиз ёлчи кишим киймасдик. Бойлар, ханотлар, амалдорлар биз камбағаллар ҳисобига кун кўришар, бунинг устига яна хоҳлаганларига таҳқир этишарди.

Бойнинг ноинсофлиги, амалдорнинг ўбосимчилигидан шикоят қи-

лишдан аса ҳеч фойда чиқмас эди. Чунки уларнинг ўзи «сайлаб» қўйган қози ҳеч қачон камбағалнинг ёнига олмас эди. Пулдорнинг, амалдорнинг айтгани-айтган, дегани-деган эди.

Илгариги қози сайловлари яхши эсимда. Сайлов ўтадиган бўлса ур-йилди, жанжал авжига чиқарди. Бир гуруҳа бой ва амалдорлар бир томонда, камбағал халқ иккинчи томонда туриб, ғазо кураш олиб борардилар. Кимнинг пули, суянчиги бўлса, ўша сайланарди. Пулдорлар ҳар қандай қилиб бўлса ҳам ўз кишиларининг сайланганига эришарди-лар. Бунинг устига сайловда фақат юқори табақада мансуб бўлган ки-шиларгина иштирок этар эди. Камбағаллар ва хотин-қизлар сайловда қатнаштирилмади.

Октябрь революцияси туфайли чинакам брусилка чиқди. Ташаббуслар чорам ҳокимияти ўрнида халқ ҳокимияти қарор топди. Давлатни бошқариш ҳам халқ ихтиёрига берилди. Давлат органларини, хусусан судларни халқнинг ўзи сайлайдиган бўлди. Ана шунда демократия, эркин сайлов, инсоннинг ҳақ-ҳуқуқи нимадигани аниқланди.

Халқимиз тинч ва оқойишта меҳнат қилмоқда. Халқ ҳўжалигимиз тобора юксалиб, турмушимиз фаровонлашмоқда. Мен каби кексалар давлат бераётган моддий ёрдамдан фойдаланиб, ҳузур-халоватда яшамқдамиз.

Бугун халқимиз ўзининг одил судини сайлайди. Мен ҳам кўп қатори тинч ҳамда оқойишта ҳаётимиз учун ақиллик билан овоз бераман.

Т. ТОШМУХАМЕДОВ,
шахсий пенсионер, Октябрь райони.

«АТТАНГ» ДЕМОҚДАЛАР

Ҳозир Илчи номи колхозда иш қалади. Далага чиқсанг ҳам, қишлоқ оралиб одамлар, раҳбарлар билан гаплашсанг ҳам ҳайрон бўлиб, ёқанг-ни ушайсан киши. Ҳатто айрим коммунистлар билан сузлашсанг ҳам нуқул «аттанг», «бўғи нима бўлар-кин?» сингари гапларни эшитасан.

Дарҳақиқат, колхоз раҳбарлари қалавининг учини йўқотиб қўйишган. Бу нарса икки коммунист раҳбар: раис А. Митановнинг юриш-ту-ришдан ҳам, партком секретари М. Абдуноновнинг ҳатти-ҳаракатидан ҳам сезилиб турибди. Колхоз қи-лоғига қалам қўйишимиз билан су-ратанг «Победа»га дуч келдик. Унда раис, аса уч киши талтайиб борарди.

— Пул бўлсин? — сурадик раисдан.

— Районга, стройконтрорага.

Бу гаплардан, далада иш жойида-ди, раиснинг қўлига тинчиб, ботқа иш билан кетяпти шекилли, деб ўй-лайсан киши. Партком секретари ўртоқ Абдуноновнинг айтишича, у эрта-кеч сушилқадиган ишлар билан банд.

Қишлоқдан далага чиқаверишда яна бир коммунист раҳбарга йўл-қў-лидик. Бу одам 2-участка бошлиғи ўртоқ Бекбой Мажидов эди. Салом-алиқдан кейин сурадик:

— Сизга йўл бўлсин?

— Раисда ишим бор, учрашгани кетяпман.

Маълум бўлишича, участка бош-лиғи Мажидов бир колхозчи билан аччиғилиш қилиб, уни ҳайдаб юборган. Шундай қилган бўлса ҳам, у яна қайтиб келиб ишлайтган экан. Ҳозир раисга бориб: «ё у ишласин,

ё мен ишлай» деб, масалани қўй-ла-ди қўймоқчи эмиш.

Ган Закария Хусанов бошлиқ бригаданинг таълифчиси, коммунист Халил Аҳмедов устида бораётган эди. Қизик, коммунистни ишдан чет-латиш, унга чора кўриш фақат уму-мий партия йиғилишида ёки парт-бюро мажлисида ҳал қилиниши ке-рак эди. Бироқ ўртоқ Мажидов бу тартиб-қонда билан ҳисоблашмапти. Шу тахлитда ишдан ҳайдашлар ке-йинги кунларда сероб бўлиб қолган-га ўхшайди. Бундан бир кун олдин бир аравақаш билан аризмаган нар-са учун «бор, сента иш йўқ!» деб ҳайдашбди. Колхоз раҳбарлари ҳам-ма куч ва имкониятини пахта тери-мига тўла сафарбар қилиш ўрнига одамларни ишдан совутмоқдалар.

Ўртоқ Б. Мажидов билан участ-ка ишлари ҳақида сузлашдик. Шу-нисси ажабланирдик: у участка бў-йича қанча тонна пахта терилиши ке-раклигини, ҳозиргача қанчаси тайёрланиб давлатга сотилганини айтмади.

Айта оламиз. Ҳама шундай шунда кунда 4 та бригада одами ишлайтган экан. Бор-йўғи 50 га етар-етмас киши далага чиқибди. Бироқ 4 бригадаларнинг 3 тасидан далага битта ҳам одам келмаган. Ваҳоланки, шу уч бригаданинг иккитасида комму-нист Липршо Ибё ўғли ва Су-лаймон Раҳимов ўртоқлар бошлиқ бўлиб ишлайди. Улар-бошқараётган бригадалар йиллик планини энди-ги-на 55 — 59 процентга етказибди-ю, ишни ташкил қилиш ўлда-жўда.

Партком секретари ўртоқ Абду-ноновнинг айтирифи қилишича, комму-нистлар бошчилик қилаётган яна уч бригада пахта тайёрлашда орқада

қолиб келмоқда. Хўш, қани узарнинг авангардик намунаси?

Колхоз қишлоғида аҳоли жуда қалин. Раҳбарларнинг ўзлари иқ-дор бўлишича, агар ҳамма ишга арқоқ кишиларни далага олиб чи-қилса, ҳосилни аллақачонлароқ йи-ғиштириб олиш мумкин эди. Шундай экан, нега далада фақат 100 — 120 кишигина ишломқда? Бунинг са-баби шунки, колхоз партия ташки-лотиди одамларга умуий сафарбарлик ҳиссини уйғотмапти. Оммавий-си-бей ишлар мутлақо унутиб қўйил-ган. Теримчиларга кино-концертлар кўрсатилмайди. Далада иссиқ овқат йўқ. Иш ҳақи учун авансар систе-мали бериб борилмади. Ибё ўғли-дан ноиб охиригача колхозчиларга пул берилмагани бунинг аққол дали-лидир.

Колхоз йиллик планини энди 55 процент бажарди. Бироқ коммунист-лар бу кўнглисиз аҳволдан ўнгай-сизланаётганлари ҳам йўқ. Ҳамма ишнинг собиқ раис Гаспарян чатоқ-лаштириб кетган, дейиш билан ўла-ларини овутирмоқдалар. Бу йил кам ҳосил етиштирилганига ҳам шу сабаб эмиш. Ҳозирги раис ўртоқ Ми-танов: «Ишни ёнинг ўрта белдида қабул қилганим» деб, ўзини масъ-улиятдан ҳоли ҳис этмоқда.

Ўртоқ Абдунонов, сиз партия таш-килотининг секретари бўлган кол-хозда аҳвол шу тахлитда давом эта-берса, коммунистларнинг авангард-лик роли сезилмасе, бу йилги ҳо-силнинг тақдирини нима бўлади-ю, бу масала билан колхозда ким шўғу-ланади?

С. СУЛТОНОВ,
Сирдарё райони.

САЙЛОВ АРАФАСИДА



Пойтахтимизнинг Киров районидаги 123-сайлов участкасида сайловга яхши тайёргарлик қўрилади. Сиз қўриб турган сурат-да сайловчилар кеча бу ерга келиб, сайлов рўйхатидан ўзла-рининг ном ва фамилиялари, тугилган йиллари ва адреслари-нинг тўғри ёзилганлигини охириги марта текшириб қўраётган пайт.

олдиндан тўла қўрилади. Актив жамоатчи, ҳурматли пенсионер Иван Петрович Филатов раисли-гидан участка сайлов комиссия-сининг аъзолари барча ташкилий ишларни муаммал амалга оши-ришди. Шу сайлов участкасининг сайловчилари ўртасида сайловдаги агитациясини олиб бораган 110 ки-шидан иборат агитколлектив аъ-золари совет қонунчилигини, халқ судларининг давлат орган-лари системасида тутган ролини кенг пропаганда қилдилар.

Бугун республикамизнинг барча меҳнаткашлари халқ судьялигига қўрсатилган кандидатлар учун яқ-диллик билан овоз бериб, дунёда энг демократик сайлов система-

мизнинг афзалликларини яна бир марта намойиш қилиб кўрсатади-лар. Улар Коммунист партия ва Совет ҳукумати атрофида янада маҳкам жипслаганликларини, со-циалистик давлатимизнинг тинч-ликсеварлик иччи ва ташқи сие-сатини қизғин қўллаб-қувватлаёт-ганликларини амалда исбот этади-лар.

Т. НАЖМИДДИНОВ.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ»

3-БЕТ, 11 ДЕКАБРЬ 1960 ЙИЛ.

